

Сўзни тўғри ишлатиш учун муҳими тилдан ташқаридаги объектни танлашда хато қилмасликдир [1:6]. Тилдан ташқаридаги объектни (денотатни) тўғри таърифлаш учун сўз танлашда хато қилмаслик зарур. Мадомики, денотатни тўлиқ, айнан ўхшаш, вербал тасвирлаш уни онгда акс эттиришдек мураккаб; сўзнинг лексик маъносини айнан тўлиқ тасвирлаш (таърифлаш) нафақат тил соҳасида тайёргарликни ва билимдонликни талаб қилади, балки тилининг кўп асрлик маданий-тарихий соҳаларидан хабардор бўлишни ҳам кўзда тутати. Материаллар таҳлилининг кўрсатишича, сўз усталари маънони тўғри англаган ҳолда у ёки бу материални (асосан сўзни) ўз ўрнида танлашади. Ўзлаштира асосида пайдо бўлган лексик синонимияларни текшириш (кузатиш, таҳлил қилиш) шундай умумлашган фикрга олиб келади, яъни синонимик қатордаги ҳар бир таҳлил қилинган сўз ўзбек тилининг семантик тизимида ўз ўрнига, амал қиладиган вазифасига эга, улар биргаликдаги ўзаро муносабати ва таъсирида бу тизимни аҳамиятли равишда бойитади, ўзбек нутқининг маъноли, ихчам, аниқ ва турлича бўлишига имкон беради. Лексемалар маъносида айнан шу социумга (жамиятга) тегишли

Адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. -М.: "Наука", 1988. -С. 341.
2. Колшанский Г.В. Контекстная семантика. -М.: "Наука", 1980. -С.154.
3. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол.фанлари номзоди дисс. -Н.: 1997, 129-б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдлик. 1-жилд. -Тошкент: ЎзМЭ, 2006. 680- б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдлик. 2-жилд. -Тошкент: ЎзМЭ, 2006. 671- б.
6. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. -Тошкент: "Ўқитувчи", 1974. 308-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек тили лексик синонимларининг лексикографик талқини масалалари, лексик-семантик гуруҳлар ва мавзу қаторларига кирувчи синонимлар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, композитор-бастакор синонимик бирликларининг лексик-семантик хусусиятлари икки ҳамда беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" асосида изоҳланган ҳамда таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся рассуждения о задаче лексикографических толкований лексических синонимов узбекского языка, лексико-семантических группах и синонимах, входящих в ряды темы. А также, прокомментированы и проанализированы лексико-семантические особенности композиторно-творческих синонимических единиц на основе двух и пяти томного "Толкового словаря у узбекского языка".

SUMMARY

The article contains data lexicographic explanation of lexical synonyms of the Uzbek language, thematic lexico-semantic groups and synonyms. There have been explained and analyzed lexico-semantic peculiarities of composite-creative synonymous units on the basis of a two-volume and five-volume "Explanatory dictionary of the Uzbek language".

МОТАМ МАРОСИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОГРАФИК АТАМАЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Хонхўжаева - ўқитувчи

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: Самарқанд этнографияси лексикаси, мотам маросими, мотам маросими атамалари, ғассол, мурдашуй, садр, йиртиш, жар солиш, хайрот, бихалфа, қиёсий лексика.

Ключевые слова: этнографическая лексика Самарканда, траурный ритуал, терминология траурного ритуала, мойщик трупа, церемония оплакивания, плакальщик, сопоставительная лексика.

Key words: ethnographic vocabulary of Samarkand, mourning ceremony, terms of mourning ceremony, corpse washer, tearing trumpet, mourner, comparative vocabulary.

Ўрта Осиёда миллий тилларнинг давлат макomini олиши илм аҳли, хусусан, тилшунослар зиммасига бир қатор муҳим масалаларни тадқиқ этиш вазифасини юклагани шубҳасиз. Мазкур соҳада қабул қилинган қонунлар амал қила бошлаган дастлабки кунларданок, кўплаб муҳим масалалар тадқиқот доирасига тортилиб, қисқа бир фурсатда туркум илмий ва таҳқиқий асарлар майдонга келди ҳамда замон талабларига мутаносиб равишда миллий тилларнинг ривожланишида туртки бўлди. Шунинг баробарида тожик тилшунослигида ханузгача ўзининг ечимини кутиб турган баҳсли масалалар мавжуд.

Халқ оғзаки ижодиёти намуналарини ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганиш миллий тилшуносликдаги долзарб масалалардан бири бўлиб, ҳозирга қадар бу борада олиб борилган тадқиқотлар салмоғи талаб даражасида эмас, айти соҳада амалга оширилган ишлар

бўлган, унинг вакилининг билиш фаолиятининг коммуникатив масалаларини ҳал қилишга йўналтирилган натижаси қайд қилинган.

Беш жилдли луғатда синонимларнинг изоҳлари қайта шакллантирилиб, айрим синонимларнинг мустақиллик туфайли юзага келган кўчма маънолари билан бойитилган. Шу билан бирга, асосий эътибор синонимларни мафқуравий бўёқдан холи, холис изоҳлашга қаратилиб, олдинги нашрга киритилган шўро тузуми воқелиги билан боғлиқ, бугунги кун нуқтаи назаридан ўз аҳамиятини йўқотган баъзи изоҳлар луғатдан чиқарилган. Луғатда ўзаро синонимик муносабатда бўлган лексемалар учун системалашган таъриф қаторлари – намунавий изоҳларнинг шакллантирилганлиги изоҳларни бирхиллаштиришга имконият яратган. Луғат бирликлари (бош сўз ва турғун иборалар) маъноси (маънолари)ни аниқ, тўғри ва тўлиқ белгилаш, шунингдек, ўзаро боғлиқлик асосида тартиблаб, қайд этиш изоҳли луғат тузиш ишининг энг қийин ва асосий жараёнларидан ҳисобланади. Беш жилдли луғатнинг қиймати, муваффақияти ана шу вазифани имкон даражасида бажарганлиги билан белгиланади.

эса етарли ва мукамал эмас. Албатта, халқ оғзаки ижодиёти намуналари тили бўйича бирқатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар фольклор асарларининг тили ва услубини ўрганишда муайян қийматга эга. Мазкур тадқиқотларда муаллифларнинг ўзига хос илмий-назари қарашлари баён этилган бўлиб, уларнинг аксарият қисмида муайян шевага оид сўзларнинг лексик хусусиятлари ва луғавий бирликлари эътиборга олинган ва кўпинча лингвистик хусусиятлари эътибордан четда қолганини эътироф этишга тўғри келади.

Тожик фольклорининг тил хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг қисқача таҳлили ҳозиргача бу соҳада етарли даражада муваффақият қўлга киритилмаганлигини кўрсатади. Бу миллатнинг ўзига хос бой фольклор материаллари, хусусан, маросим фольклорининг тадқиқ ва таҳлили бу

соҳани алоҳида ва ҳар томонлама ўрганиш вақти келганини яққол намоён қилиб турибди.

Тоҷик тилининг луғавий таркиби хилма-хил қатламлардан иборат бўлиб, улардан бири халқ урф-одат, расм-русларини ифодаловчи сўзлар ёки этнографик лексика ҳисобланади. Тоҷик тилшунослигида этнографик лексика XX асрда қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Н.А.Кисляков, М.С.Андреев каби тадқиқотчилар ва бир қатор бошқа олимлар XX аср бошида халқимиз тарихини ўрганиш учун Марказий Осиёга келадилар ва халқ оғзаки адабиётини тўплаш баробарида ҳунармандчилик, урф-одатлар билан боғлиқ лексикани ўрганиш билан ҳам шуғулланадилар. Урф-одатлар ва этнографик лексиканинг бошқа хилларини ўрганишнинг дастлабки босқичи халқ оғзаки адабиётини текшириш доирасида бўлиб, улар фольклор материаллари сифатида эътироф этиларди. Тилшунослик илми доираси кенгайиши билан этнография ва бу соҳага оид сўзлар алоҳида тадқиқот объектига айлана борди. Тоҷик тилшунослигида Б.Алиев Ягноб этнографияси лексикасига оид катта қўламдаги материалларни камраб олган фундаментал тадқиқотини яратди.

Этнографияга оид сўзлар тилнинг муҳим таркибий қисми сифатида турли замонлар маҳсули бўлиб, асрлар мобайнида шаклланган. Бинобарин, турли замонларга мансуб бу далиллар ва луғавий намуналар асосида жамият ҳаётининг алоҳида даврлари хусусида мушоҳада юритиш мумкин. Айни жиҳатдан этнографик тушунчалар ва урф-одатларни ифодаловчи сўзлар тарихий лексика сирасига мансуб бўлиб, у ёки бу тилнинг луғавий таркибида муайян мавқега эга.

Тоҷик тилшунослигида сўнгги йилларда соҳавий лексикага оид кўпгина тадқиқотлар амалга оширилди ва бу борада Н.О.Шарофов ва Т.Қ.Жўраевларнинг “Қасб-хунар лексикаси–тоҷик техникавий терминологиясининг манбалари”[6], Б.Алиевнинг “Ягноб тилининг этнографик лексикаси”, М.Муҳаммадиевнинг “Айрим тоҷик шоирлари асарларида таомларга оид сўзлар”[4], Г.В.Набиевнинг “Қийим-бошга оид сўзлар тадқиқи”[5], Ж.Муруватовнинг “Пичоқсозлик лексикасига бир назар”[3] ва бошқа бир қатор тадқиқотларда бу соҳанинг қатор масалалари ва уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Самарқанд тоҷиклари шеvasидаги мотам маросими билан боғлиқ сўзлар тоҷик тилининг луғавий фондидаги луғавий таркиби энг бой гуруҳлардан бири бўлиб, у вужудга келганидан бошлаб бадиий ва драматик унсурларни ўз ичига олади.

Мотам маросими лексикаси. Таъкидлаб ўтилганидек, Самарқанд тоҷиклари шеvasида маросим атамалари лексикасининг катта гуруҳини бевосита мотам маросими лексикаси ташкил этади. Ҳар бир минтақанинг мотам маросимини ўрганиш ва уни типологик жиҳатдан таҳлил қилиш ўтмишнинг диққатга сазовор ва бугун билан боғлиқ масалаларини ойдинлаштириш имконини беради. Мотам маросими аза ва азадорлик билан боғлиқ кўплаб атамаларни ўз ичига олиб, уларнинг аксарияти деярли барча жойларда, жумладан, Самарқанд шаҳри ва унинг теvarак-атрофида ҳозирда ҳам фаол қўлланади.

Таъкидлаш жоизки, мотам маросими узок тарихга эга бўлиб, асрлар мобайнида тарихий шароит билан боғлиқ равишда шаклланган ва муттасил ўзгариб, янгидан-янги урф-одатлар билан бойиб борганки, уни икки қисмга бўлиб ўрганиш мумкин: а) дафн маросими урф-одатларига оид лексика; б) дафндан кейин ўтказиладиган урф-одатларга оид лексика.

Дафн маросими урф-одатларига оид лексика. Дафн маросими билан боғлиқ урф-одатларда қуйидаги этнографик атамалар қўлланади: *давra кардан* (давra

қилиш), *канорғири* (четда туриш), *жар андохтан* (жар солиш), *шустани мурда* (майитни ювиш), *дафн* (кўмиш), *фотиҳахони пас аз дафн* (дафн маросимидан кейинги фотиҳахонлик), *овозандози* (овоз солиб йиғлаш), *садр* (садр, халқа қуриб, йиғи билан таъсирчан сўзлар айтиб, марҳумни эслаш одати, самоъ), *хайрот* (хайрия, хайр-савоб ишлар), *йиртиши* (марҳумни кўмиш маросимида қатнашган кишиларга ва унинг яқинларига бериладиган бир бўлак рўмолчабоп мато; дурра; оклик), *бихалфа* (айтувчи, йиғичи), *ходим* ва бошқалар.

Халқа қуриш, жар солиш, садр (самоъ), яъни халқа ясаб рақс тушиш мотам маросимининг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб, уларни бошқа минтақаларда ҳам қўриш мумкин. Жумладан, М.С.Андреевнинг кўрсатишича, Язғулом, Рўшон қишлоқларида эри ўлган хотин уч кеча кетма-кет рақс тушади ва агар қўлидан келса, мусиқа оҳангига мос қўшиқ ҳам айтади. Қишлоқ аҳли бева хотиннинг рақсини кўргани келадилар. Майитнинг онаси ҳам бир кеча рақс тушиб, қўшиқ қуйлайди[1:4-8].

Агар қиёс нуктаи назаридан бошқа минтақаларга назар солсак, бу ҳолатни бошқа жойларда ҳам қўришимиз мумкин. Ўротепада аёллар халқа қуриб самоъ-йиғи маросимини ўтказадилар. Улар қўлларини бир томонга чўзиб, қадам ташлаб биргаликда овоз чиқарадилар—бу ҳолат рақсга ўхшаб кетади.

Айтиб ўтилганлардан маълум бўладики, Зарафшон водийсида ҳам Заҳматобод ва Мастчоҳнинг баъзи қишлоқларида аёллар ва эркаклар томонидан *“садр”, “давra олиш”, “жар солиш”* жараёнлари амалга оширилади.

Жасад ёнида ва тобут бошида аёллар ва эркакларнинг рақс тушиб *“нола қилиш”* одати Бадахшон мухтор вилояти Қалъаи Хум туманининг Ёғид ва Ушхарви қишлоқларида ҳам учрайди. Бу жараёнда икки-уч нафар *айтувчи* қўшиқ айтади, бошқалар эса қўлларини ўнг ё чап тарафга чўзиб, *“акам(укам)е”, “опам(синглим)е”, “боламе”* каби сўзларни айтиб, йиғичига жўр бўладилар. Ёғид қишлоғида *“Ҳай, дарег”* (*“Ҳай, афсус”*) деган махсус мотам қўшиғи ҳам мавжуд [3:10-11].

Садр одатида ҳам марҳумнинг яқинлари ўзларини урар, сочларини юлар, юзларини тирнаб қонатардилар. Номлари тилга олинган қишлоқларда яна бир одат бор эканки, энг яқинлари марҳумни қўлларига кўтариб, уни хидлаб, нола чекар эканлар. Бу ҳолат мотам жараёнига янада таъсирчанлик бахш этар экан.

Шевашунос олим Миср Эшнӣёзов ҳардури тоҷикларининг мотам маросимида садрни ташкил этиш жараёнини тасвирлаб беради. Унинг айтишича, садрда аёллар ва эркаклар иштирок этадилар. Улар жасаднинг атрофида чарх уриб, йиғлайдилар, аёллар юзларини тирнаб, сочларини юладилар, кўкракларига муштлаб, баланд овозда йиғлайдилар [7:110]. Қашқадарё вилоятининг Ғузур, Деҳқонобод, Қамаш туманлари тоҷиклари аввал мурда эгаларини ўртага олиб садр тушадилар, кейин тобутнинг устига гилам ташлаб, уни кўтариб турадилар. Аёллар тобутнинг остида давra олиб, нола қилиб садр тушадилар. Эркаклар қўлларига таёқ олиб, унинг учини ерга урадилар.

Самарқанд ва унинг атрофида садр тушиш одатда қариндош-уруғлар ва меҳмонлар иштирокида ўтказилади: аёллар кенгроқ жойда (одатда ҳовли юзида) халқа тутадилар, *айтувчи*, яъни *бихалфа* ўртага тушиб, айтувчилик қилади. Ҳар бир мисра ёки байт охирида аёллар гуруҳи *“ё облоҳ-ёоблоҳ”* дея озгина олдинга ҳаракат қилиб, кейин қўлларини кўкракка уриб, аввал ўнг, кейин чап тарафга секин-аста қадам қўйиб, қайғули бир манзарани ҳосил қиладилар. Бир гуруҳ аёллар садр тушмай, четдан уларга ҳасрат билан қараб турадилар. Садр тушиш жараёни бир неча дақиқа давом

этиб, охирига етгач, ҳамма бараварига “Ўзи раҳмат қилсин!” дея қўлларини юзларига тортиб, сўнг тарқаладилар. Аммо марҳумнинг қариндошлари эса айланганча нолаю фарёд қилаверадилар.

Агар марҳум ёш кетган бўлса, онаси, опа-сингиллари ва бошқа яқинлари рўмолининг юқори қисмини тез-тез кўтариб, унга кўз тикиб қарайдилар, баъзида жасадни кучоклаб, юзу бошини ўпиб, фарёд ҳам урадилар—бу манзара қайғули ва кўнгилни тирнайидиган кўринишга эга бўлиб, ҳозир бўлганларни ҳаяжонга солади. “Ҳамманинг кўнгилни сув қиладилару йиғламайдиганларни ҳам йиғлатадилар, уларнинг ҳолу аҳволини кўриб, кишининг юраги эзилиб, қийма-қийма бўлиб кетади”,—дейдилар бу ҳақда одамлар.

Эркак қариндошлари, опа-сингиллари иложи борица марҳумнинг юзини кўришга, уни кучоклашга ва ундан узоклашмасликка ҳаракат қиладилар. Лекин ёши улуг аёллар уч-тўрт дақиқадан кейин уларга насиҳат қилиб, майитнинг ёнидан узоклаштирадилар. Насиҳатларини қулоққа илмаганларга қарата: Сизлар майитни азобга қўяпсизлар”,—дея уларнинг жасаддан узоклаштишларини қатъий тарзда талаб қиладилар. Эркакларнинг қўшиқларию нолаю фарёдлари аёлларнинг қўшиқларию нолаю фарёдларига деярли ўхшаш бўлса-да, лекин мазмун жиҳати ва ижро тарзига кўра фарқланади.

Айтиб ўтилганидек, беморнинг юраги уришдан тўхтаган пайтда эркаклар ҳам ғамгин тортиб, изтироб чекиб, дастлаб ўзларини йўқотган ҳолда ҳар хил овозлар чиқарадилар, лекин бир муддат ўтгач, ўзларини қўлга олиб, ақлу ҳушларини йиғиб, қўшиқ ва нолалари сермазмун бўлишига ҳаракат қиладилар ва қайғули ҳолатларини унинг воситасида ёрқинроқ ифода этадилар.

Мурдани ювиш ёки уни ғусл қилдириш усули. Дастлаб мурданинг кийимларини ечадилар ва уни яланғоч қилиш пайтида уятли жойлари кўринмаслиги учун устига **чодир (парда)** тортадилар. Кейин шу ҳолатда чодир билан уни ўлик ювадиган тахтага ётқизадилар ва икки киши **мурдашўй (ювгич)** кўлини тагидан тика олиши учун сал кўтариб турадилар. Бир киши чодирнинг устидан илиқ сув қуйиб туради ва ювгич кўлига тоза латта ўраб, аввал майитнинг оёқлари орасини **ювади**. Бу пайтда майит чалқанча ётқизилган бўлиши керак. Ювгич бу ишни бажариб бўлганидан кейин кўлидаги латтани алмаштириб, мурдани **таҳорат** қилдиради. Оғзию бурнига ҳам **сув югуртириб**, уларни поклайди. Аввал мурданинг юзини, кейин қўлларини то бармоқларигача ювиб, мурданинг бошига **масҳ** тортади, сўнг оёгининг бармоқларининг орасини ювади. Кейин мурдани чап томонга ётқизадилар ва ўнг томонини уч марта ювадилар. Яна ўнг томонга ётқизиб, чап тарафини сув қуйиб, уч марта ювадилар. Шундан сўнг мурдани чалқанча ётқизиб, боши ва кўксини бироз кўтарадилару ювгич мурданинг қорнини юқоридан пастга қараб силайди. Агар маъъади (орқаси)дан бирор нарса чиқса, уни ювиб поклайдилар. Бу ҳолда яна бир марта **ғусл** қилдиришга тўғри келади. Агар мурда ҳали тили чиқмаган ёш гўдак бўлса, уни аёл ёки эркак **ювгич** ювишининг фарқи йўқ. Агар гўдак тирик туғилиб, кейин ўлса, **ғусл усули** ва **кафанлаш** ёши қатта кишиларники каби амалга оширилади. Фақат ғусл қилиш **таҳорат**сиз бажарилади, чунки ҳаётида **намоз фарз** бўлган кишига таҳорат лозим бўлади. Агар гўдакнинг қиз ёки ўғил болалиги маълум бўлмай, у бир парчагина гўшт бўлса, унга Қурбон, Файзи, Сафар, Шоди каби бирор ном қўйиб, ўғил ёки қизлигини маълум қиладилар.

Майитни ғусл қилиш ва **жанозасини ўқиш**нинг муҳим шартларидан бири мурда жисмининг тўла ёки бутунлиги ҳисобланади. Агар жисмининг қатта қисми

ёки ярмидан кўпи майитнинг боши билан бирга бўлса, уни ғусл қилдирадилар. Агар кўрсатилган миқдордан кам бўлса, уни ғусл қилиш ва унга **жаноза ўқиш** раво эмас.

Кафанлаш усули. Кафанлаш усули эркаклар учун уч нарсадан иборат: 1) **ёпинчиқ**; 2) **иштон**; 3) **қўйлак**.

Ёпинчиқ деб кафанни айтадилар. У билан мурдани бошидан-оёғигача ёпадилар. Учи тугиб қўйилиши жиҳатидан кафан мурданинг оёғидан узун бўлиши керак. **Иштон** бир қаватдан иборат бўлиб, мурданинг танини бошидан-оёғигача бекитиши керак. **Қўйлак** икки қаватли бўлиб, мурданинг елкасидан оёғининг орқасигача бекитиши керак. Аввал чодирни, унинг устига иштонни ва иштоннинг устига қўйлакни ёядилар. Бу миқдор кафан эркакнинг майити учун.

Аёллар учун эса бунга яна **сарбанд (рўмол)** ва **сийнабанд** илова қилинади. **Сарбанд** узунлиги тахминан бир метр ва эни эса мурданинг бошини ёпадиган даражада, тахминан икки қарич бўлиб, мурда бошининг қатта-кичиклигига боғлиқ бўлади. **Сийнабанд**нинг узунлиги мурданинг боши остида тиззасининг остигача бўлади. Аёллар кафанини жойлаштириш қуйидагича бўлади: дастлаб сийнабандни, унинг устига чодирни, кейин иштонни, сўнг қўйлакни, охирида яна сийнабандни ёядилар. Мурдага аввал қўйлак кийгизадилар. Қўйлак икки қаватли бўлгани учун юқори қаватини кўтарадилар ва ўликни иккинчи қаватнинг устига ётқизадилару бошини ёқа каби қилинган чокдан чиқарадилар ҳамда қўйлакнинг юқори қаватини қорнининг устига ёядилар. Кейин сочларини икки ўрим қилиб, кўксидан ташлайдилар ва бошини **сарбанд** (**рўмолча**) билан ёпадилар, сарбанднинг икки томонини сочларининг устидан ташлайдилар, лекин ўрамайдилар. Сўнг иштоннинг аввал чап, кейин ўнг томонини ағдарадилар, худди шундай пардани алоҳида-алоҳида, сўнг сийнабандни ўрайдилар, мурдани олиб кетаётганда очилиб кетмасин деб, мурданинг боши устидан ва оёғининг остида чодир билан боғлайдилар.

Мурдани **намозгоҳ**га олиб бориш учун тобутни тайёрлаб қўядилар. Агар мурда аёл бўлса, тобутининг устига **наранжи** ёпадилар, агар эркак бўлса **чопон** ёки **яктак**. Мурдани хонадан боши билан чиқариб, тобутнинг устига қўядилар ва намозгоҳга олиб борадилар. Агар марҳум ёши улуг, серфарзанд ва обрў-этиборли киши бўлса, тобутининг устидан пул сочадилар. Ҳозирда **“табаррук”** дея рўмолчага пул ёки чой тугиб берадилар. Тобутни олиб бориш вақтида марҳумнинг қариндошлари баланд овозда **йиғлаб, тобут**нинг ортидан борадилар, аёллар эса тобутнинг ортидан бир неча кадам юрадилар. Жумладан, қиз йиғлаб, онаси ҳақида шундай дейди:

Бийиҷонам, бийиҷонам-е!

Моҳона партофта, кучоба рафсед-е!

Ўояки шумоя ҳеч кас намеғирад, бийиҷонам-е!

Ҳолиям барғашти бармаҳал кунед, бийиҷонам-е!

Ин рўзи сиёҳа чй хел моҳонба лойиқ дидет, бийиҷонам-е!

Таржимаси:

Бийиҷоним, бийиҷоним-е!

Бизни ташлаб қаяққа кетаяпсиз?

Сизнинг ўрнингизни ҳеч ким босолмайди, бийиҷоним-е!

Ҳолиям бўлса ортингизга қайтинг, бийиҷоним-е!

Бу қора кунни бизга қандай раво кўрдингиз, бийиҷоним-е!

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилардан маълум бўладики, Самарқанд тожиқларининг мотам маросими узок тарихга эга бўлиб, ўз хусусиятларига кўра бошқа жойларнинг азадорлик билан боғлиқ урфу одатларидан фарқ қилади. Самарқанд тожиқлари мотам маросимидаги ҳар бир жараён диний одатлар ва ушбу

жойнинг маросими учун хос бўлган урф-одатларга мувофиқ ҳолда ўтказилади. Бу маросимга оид сўз ва тушунчаларнинг адади унинг луғавий таркиби бой ва ранг-баранг бўлганлигидан дарак беради. Бу эса уларни ҳар томонлама кенг ва чуқур тадқиқу таҳлил этиш халқнинг тарихи, тили, урф-одат ва расм-русмлари кабиларни ойдинлаштиришга кўмаклашади. Мазкур

мақолада фақат бу луғавий гуруҳнинг икки жиҳати ёки сўзларнинг луғавий таснифи, жумладан, уларнинг маъноларини қисқача тарзда таҳлил этишга уриндик, холос. Шу қисқа таҳлилда ҳам Самарқанд тожиклари мотам маросими оид бир қанча сўз ва тушунчалар маълум бўлдики, бу мазкур шеванинг луғавий таркибини мукамал ўрганишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. – Сталинабад: «Ирфон», 1958.
2. Маъсуми Н. Фолклори тожик. – Сталинград: 1954.
3. Мурватов Ж. Назаре ба луғати қордсозӣ. // Забоншиносии тожик. – Душанбе: “Дониш”, 1982.
4. Мухаммадиев М. Очеркҳо оид ба лексикаи забони адабии тоҷикӣ. – Душанбе: “Ирфон”, 1968.
5. Набиева Г.В. Инкишофи лексикаи сару либос // Забоншиносии тоҷик. – Душанбе: “Дониш”, 1980.
6. Шарофов Н., Жураев Т. Лексикаи қасбу ҳунар – сарчашмаи терминологияи техникаи тоҷикӣ. – Душанбе: 1991.
7. Эшнӣёзов М. Шеваи ҳардурӣ. – Душанбе: “Ирфон” 1967.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Самарқанд тожиклари шевасида маросим атамалари, хусусан, мотам маросими ва азадорлик билан боғлиқ этнографик атамаларнинг луғавий хусусиятлари, унга амал қилиш, айрим атамаларнинг этимологик хусусиятлари, уларнинг семантик маънолари яхлитлиги қисқис тарзда тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется терминология траурного ритуала Самаркандского диалекта таджиков, в частности лексические особенности этнографической терминологии связанные с ритуальными традициями и их соблюдением, а также этимологические особенности некоторых терминов и их семантические единства в сопоставительном аспекте.

SUMMARY

The article is devoted to the study of the terminology of mourning ceremony of Samarkand dialect of Tajiks, in particular lexical peculiarities of ethnographic terms connected with ritual traditions and their heeping, and etymological peculiarities of some terms and their semantic unity in the comparative aspect.

ANTROPONIMIKA – NOMSHUNOSLIKNING SHAXS ISMLARINI O'RGANUVCHI BO'LIMI

D.Ibrohimova – kata o'qituvchi

Qashqadaryo viloyati xalq ta'limi huzuridagi qayta tayyorlash va malakasini oshirish hududiy markazi

Tayanch so'zlar: so'z, millat hayoti, tarix, taraqqiyot, urf-odat, an'ana, atoqli otlar, antroponimika, motivatsiya, etimologiya, struktura.

Ключевые слова: слово, жизнь нации, история, развитие, традиции, обряды, имена собственные, антропонимика, мотивация, этимология, структура.

Key words: word, life of nation, history, development, customs, traditions, personal names, anthroponimics, motivation, etymology, structure.

Har bir inson, har bir xalq o'z ma'naviy ehtiyojlarini, kechinmalarini, g'oya va maqsadlarini so'z orqali ifoda etadi. Biz chet tilini, shu jumladan ingliz tilini o'rganar ekanmiz, bunda nafaqat tilni, balki o'sha millat hayotini, tarixini, bosib o'tgan taraqqiyot davrini o'rganamiz, millat ruhiyati bilan, urf-odat va an'anlari bilan tanishamiz va bu bilan o'sha xalqqa yanada yaqinroq bo'lamiz.

Til lug'aviy boyligining tarkibiy qismlaridan birini atoqli otlar tashkil etadi. Shu sababli atoqli otlarning qimmatli materiallarini to'plash va tadqiq qilish alohida e'tibortalab mavzu deyish mumkin. Tili o'rganilayotgan mamlakat aholisi haqida ma'lumotga ega bo'lish esa, avvalambor ularning ismi shariflari qanday paydo bo'lganligi, ismlari qanday ma'noni ifoda etishini bilishdan boshlanadi.

Ismlarning yaratilishida xalq o'tmishining tarixi, orzu va istaklari, ijtimoiy va diniy-falsafiy qarashlari, rasm – rusumlari, urf – odatlari, e'tiqod va ishonchi o'z aksini topadi. Shu sabab ismlar tilning boshqa bir qator qatlamlari kabi xalq ma'naviy qadriyatlarining tarkibiy qismi hisoblanadi. Antroponimika – nomshunoslikning shaxs ismlarini o'rganuvchi bo'limidir. Antroponimika ismlarning paydo bo'lishi, rivoji, ismlarning nominatsion xususiyatlari, ism berishning motivativ asoslari, bunda lingvistik va nolingvistik tamoyillarning tutgan o'rnini o'rganuvchi soha sifatida rivojlanib bormoqda. Antroponimlar bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarda motivatsiyaning mazmun mohiyatiga, antroponim so'zning mazmuniy tuzilishiga, antroponimlarning etimologiyasiga, atoqli otlar strukturasiga, ismlarning yuzaga kelishidagi sabab, ehtiyoj, istak-orzu va boshqa xususiyatlariga, ismlarning semantik va kontekstual mazmunining munosib yoki nomunosib holatlariga, ismlarning davr bilan bo'g'liqligiga e'tibor

qaratiladi. Atoqli otlarning paydo bo'lishi ko'plab lisoniy va nolisoniy omillar bilan bog'liq. Shu sababli atoqli otlar tadqiqotchisi nomlarni tahlil qilishda tilshunoslikdan tashqari boshqa fanlarning ilmiy usullaridan ular erishgan yutuqlardan foydalanish talab etiladi. Bu antroponimika sohasining boshqa ijtimoiy va tabiiy fanlar bilan munosabatini yuzaga keltiradi. Bu munosabatni quyidagilarda aks etganini ko'rish mumkin: antroponimika va leksikologiya, antroponimika va etimologiya, antroponimika va dialektologiya, antroponimika va geografiya, antroponimika va lug'atshunoslik, antroponimika va leksikografiya, antroponimika va tarix, antroponimika va kartografiya, antroponimika va toponimika, onomastik statistika kabi.

O'tgan asrning 70 yillaridan antroponimlarning uslubiy xususiyatlari haqida tadqiqotlar yuzaga kela boshladi va ular quyidagi atamalar bilan nomlanadi: adabiy onomastika, poetik onomastika, uslubiy onomastika, onomapoetika yoki so'zlovchi ismlar.

Ma'lumki, ismlarning kommunikativ vazifasi atash, nominatsiyadir. Ammo, adabiy asarlar tilida ismlar boshqa lug'aviy birliklar singari o'ziga xos milliylik vazifalarini ham bajarib keladi. Ismlarning yaratilishi yoki tanlanishi ko'p hollarda o'sha nomni tanlagan yoki ijod qilgan kishilar (nominator) uchungina ma'lum bo'ladi. Bunday ismlarning kengroq doirada, umummilliy doirada ma'lum va tushunarli bo'lishi ushbu nomning kengroq tarqalishi, umumudum darajasiga ko'tarilishi bilan bog'liqdir. Lekin ba'zi ismlar bir oila doirasida va bir martagina qo'llanilib, keyinchalik iste'moldan chiqib ketishi ham mumkin.

Ingliz ismlarining bir manbasi kel't an'anasiga taqaladi. “Barry, Brian, Bridget, Donald, Duncan, Ian, Kenneth, Kevin, Neil and Sheila” nomlari kelib chiqishga ko'ra Irlandcha va Shotland Gaelikcha bo'lsa, “Gareth, Gladys,